

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдинашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожақеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одижоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

1. Яраш Гаффоров ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....	4
2. Жуммагул Абдурахмонова, Улугбек Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	11
3. Жавлонбек Бегалиев ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....	18
4. Ҳамза Жўраев БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	24
5. Jahongir Inoyatov JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....	31
6. Жамшид Кўчаров АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДОДА TUTGAN ЎРНИ.....	37
7. Айгуль Раимова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ФАН.....	45
8. Шохсанам Сулаймонова ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	51
9. Солежон Тошев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....	57
10. Фарход Усманов XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	63
11. Шухрат Қудратов XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	72
12. Сулаймон Ҳайдаров ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	78

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Фарход Абдираимович Усманов,
Чирчиқ давлат педагогика институти
“Тарих” кафедраси докторанти,
farhod.usmanov.1988@mail.ru

XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ

For citation: Farhod A. Usmanov. ACTIVITIES OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS TO ELIMINATE CHILD HOMELESSNESS IN UZBEKISTAN IN THE 20-30 YEARS OF THE XX CENTURY. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.63-71



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-10>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XX аср 20-30 йилларида Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги муаммолари ва уларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органи вакиллари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар, бу борадаги ютуқ ҳамда камчиликларга оид маълумотлар келтириб ўтилади. Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги сони ошиб боришининг сабаблари ва улар келтириб чиқарадиган ижтимоий хавф бўйича маълумотлар тақдим этилади.

Ички ишлар тизими мазкур даврдаги болалар қаровсизлиги масаласида бажарган ишлари ҳамда улар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар архив маълумотлари асосида таҳлил қилинади. Ўз ССР МИҚ (Марказий ижро қўмитаси) ва ХКС (Халқ комиссарлар совети) томонидан болалар қаровсизлигини бартараф этиш мақсадида қабул қилган қарор ва меъёрий ҳужжатлари, ҳамда уларнинг таъсири қай аҳволда бўлганлиги бўйича маълумотлар келтирилади. Шунингдек, мазкур давр қаровсиз болалар ижтимоий портрети қўрсатилиб, уларнинг кўчадаги ҳаётга интилиш сабаблари баён этилган.

Калит сўзлар: қаровсиз болалар, меҳрибонлик уйи, болалар қабулхонаси, реформаториум, жиноятчи бола, милиция бўлими, вояга етмаганлар камераси.

Фарход Усманов,
Докторант кафедраси «Истории»
Чирчикский педагогического института,
farhod.usmanov.1988@mail.ru

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ УЧРЕЖДЕНИЙ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ ПО ЛИКВИДАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ ДЕТСКОЙ БЕСПРИЗОРНОСТИ В 20-30 ГОДАХ XX ВЕКА

АННОТАЦИЯ

В статье представлена информация о проблемах беспризорности детей в Узбекистане в 20-30-е годы XX века и мерах, принимаемых представителями органов внутренних дел с

целью их предотвращения, их достижениях и недостатках. В Узбекистане будет предоставлена информация о причинах роста числа детской беспечности и социальной опасности, которую они представляют.

На основе архивных данных будет проанализирована работа, проделанная системой внутренних дел за указанный период по вопросам беспризорности детей, а также допущенные ими ошибки и упущения. Информация о решениях и нормативных документах, принятых ЦИК (Центральный исполнительный комитет) и СНК (Совет народных комиссаров) в целях ликвидации детского воспитания, а также о степени влияния на них, предоставляется. Также представлен социальный портрет беспризорных детей этого периода, изложены причины их стремления к жизни на улицах.

Ключевые слова: безнадзорные дети, детский дом, детский приемный покой, реформаториум, ребенок-преступник, отделение милиции, камера для несовершеннолетних.

Farhod A. Usmanov,

Doctoral student, Department of History

Chirchik Pedagogical Institute,

farhod.usmanov.1988@mail.ru

ACTIVITIES OF THE MINISTRY OF INTERNAL AFFAIRS TO ELIMINATE CHILD HOMELESSNESS IN UZBEKISTAN IN THE 20-30 YEARS OF THE XX CENTURY

ABSTRACT

The article presents information about the problems of child homelessness in Uzbekistan in the 20-30s of the XX century and the measures taken by representatives of the internal affairs bodies to prevent them, their achievements and shortcomings. It provides information on the reasons for the growing number of child homelessness in Uzbekistan and the social risks they pose.

The system of internal affairs is analyzed on the basis of archival data on the work done in the field of child care during this period, as well as the mistakes and shortcomings made by them. It provides information on the decisions and regulations adopted by the CEC of the USSR (Central Executive Committee) and the CPC (Council of People's Commissars) to eliminate child homelessness, as well as the state of their impact. A social portrait of street children of this period is also presented, explaining the reasons for their desire to live on the streets.

Index Terms: homelessness children, orphanage, children's reception, reformatory, criminal child, police department, juvenile cell.

1. Долзарблиги:

1917 йилдаги давлат тўнтарилиши амалга оширилиши натижасида мустамлака халқларига жуда катта ваъдалар берилиб, амалда ҳеч бири бажарилмасдан аҳолининг ҳаёт тарзи аввалгиданда ёмон аҳволга тушиб қолди. Бу давр муаммолари ҳақида гапирганда аввало инсон ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қиммати ер билан яқсон қилинганлиги инкор қилиб бўлмас ҳақиқатлигини таъкидлашимиз зарур. Биз мустақиллик қанчалик буюк неъмат эканлигини англашимиз учун мана шундай аянчли тарихимизни ёш авлодга холисона, ёлгонлардан йироқ, илмий асосланган ҳолда етказиб беришимиз даркор. Мухтарам юртбошимиз мустақилликнинг аҳамияти ҳақида “эндиликда инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади” деган фикрни билдириб ўтганларки, бу ўз навбатида XX аср 20-30 йилларида аҳоли ёки болалар ҳаёти, кадр қимматини давлат кафолатлай олмаслиги сабабли кўплаб муаммолар келиб чиққанлигини кўриш мумкин[1].

Шунингдек, халқимиз бошидан ўтказган зулматли кунлар ҳақида яширин қолдирилган маълумотларни очиш, келажак авлод олдида ота-боболаримизга муносиб издош бўлиш хиссини етарли даражада шакллантириш ҳамда уларнинг Ватан манфаати йўлида ҳақиқий

содиқ инсонлар бўлиб камол топишида тарихнинг, айнан совет даври тарихининг ўрни бекиёс ва бу ўз навбатида бизга ўтмишга қараб тўғри хулоса қилиш имконини берувчи омилдир.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақолани ёзишда тарихийлик ва холислик тамойиллари, тарихий-киёсий, анализ, синтез, хронологик усуллардан кенг фойдаланилган бўлиб, унда XX аср 20-30 йилларда ижтимоий муаммоларнинг кун сайин кўпайиб бориши оқибатида Ўзбекистонда айниқса, Тошкент шаҳрида болалар қаровсизлиги ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги ва бу муаммони бартараф этишда ички ишлар муассасалари фаолияти тарихий жиҳатдан кўрсатилган. Ушбу масала турли соҳа вакиллари томонидан ўрганиб келинган. Жумладан, охириги йилларда Ўзбекистонда болалар қаровсизлиги масаласи бўйича бир қатор ҳуқуқшунос, психолог ва педагог олимлар тадқиқот олиб борган. Хусусан, олимлар А.А.Расулов, А.А.Ерметов, К.Фозилходжаев, А.Алматинская, А.Авдеева, М.Сатторова, А.А.Чернышев, Х.К.Юлдашев, Ф.Атабаев, А.И.Островский, А.Халиков ва кўпгина олимларнинг илмий асарларида болалар ва вояга етмаганлар ўртасидаги қаровсизлик, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик масалаларининг қисман қайсидир йўналишидаги маълумот ва статистик ҳисоботлар келтириб ўтилган[2].

Шунингдек, мазкур мавзунини тадқиқ қилган хорижий тадқиқотчилар ҳам мавжуд бўлиб, буларга россиялик олимлар А.А.Славко, О.А.Оличева, Л.В.Блонский, С.А.Самсонова, Е.С.Шахова, С.В.Романович, Е.Н.Афанасова ва бошқаларнинг илмий ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур муаллифлар маълум бир ҳудуд ёки тарихий жараён билан боғлаган ҳолда мавзунини ёритиб берган бўлиб, улардаги методологиядан кенг фойдаланиш мақсад қилиб олинди[3].

3. Тадқиқот натижалари:

1917 йилги Россиядаги сиёсий ўзгаришлар оқибатида жуда кўплаб ижтимоий муаммолар кескинлашиб борди. Шундай ижтимоий муаммолардан бири болаларнинг қаровсизлиги масаласи бўлиб, бутун собиқ иттифоқ ҳудуди бўйлаб тарқалиши фавқулодда жуда аянчли ҳолатларни келтириб чиқарди. Қаровсиз болалар масаласини бартараф этиш учун амалга оширилган чора-тадбирларнинг ҳам катта қисми ўз навбатида шунчаки қоғозбозлик учун амалга оширилган бўлиб, бу халқ ҳаётида ижобий натижасини намоён қила олмади. Сабаби XX аср 20-йилларидаги болалар қаровсизлиги бўйича муаммолар шунчалик кўп эдики, гўё уни бартараф этиш умуман имконсиз эди. Аҳоли ўртасида очарчиликнинг ортиб бориши, турли урушлар туфайли оталар вафот этиб оналар болаларини боқа олмай қолиши, эпидемиологик касалликлар туфайли болаларнинг ота-онасидан айрилиб етим бўлиб қолиши ва ҳоказо сабаблар оқибатида давлат кўмагига муҳтож болалар сони ошиб борди.

Бундай таҳликали вазиятда ҳар бир давлат ташкилот ва органлари зиммасига жуда катта масъулиятли вазифалар юкланиб, уларни бажариш учун шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилмаганлиги эътибордан четда қолдирилган. Ижтимоий соҳа вакиллари ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари ҳам XX аср 20-йилларида болалар қаровсизлигини бартараф этишга сафарбар этилган бўлиб, ҳар бир соҳа вакиллари ўз навбатида ваколати доирасида амалий ишлар бажарган. Жумладан, ички ишлар органи вакиллари ҳам XX аср 20-йилларида болалар қаровсизлигини бартараф этишдаги асосий давлат органи сифатида белгиланган бўлиб, ўз навбатида мазкур ижтимоий муаммони бартараф этиш бўйича турли даражадаги ҳиссасини кўша олган. 1917 йил 28 октябрда РСФСР Ички ишлар халқ комиссарлиги томонидан “Ишчи милицияси тўғрисида”ги қарор қабул қилинган бўлиб, бу амалда янги милиция тизими пайдо бўлишининг ҳуқуқий замини эди [4]. Бу қарор янги милиция тизимини Совет иттифоқининг энг ишончли кучларидан бири сифатида шакллантириб, ўз навбатида ҳар қандай муаммоларни жумладан, болалар қаровсизлигини бартараф этишда катта куч сифатида қаралди. Совет ҳокимияти 1920 йил апрелда қаровсиз болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида “Болалар милицияси”ни ташкил қилган бўлиб, улар асосан кўчадаги қаровсиз юрган болаларни вокзал, бозор, бекат ва ҳоказо одамлар гавжум жойлардан йиғиш ишларига сафарбар қилинган. Аммо “Болалар милицияси” амалда ўзини оқламаган[5].

XX аср 20-йилларида Ўзбекистоннинг қаровсиз болалар йигиладиган асосий масканига айланган Тошкентдаги болалар муассасалари салбий ҳолати ҳар куни Самара ва бошқа ҳудудлардан қаровсиз болалар оқимининг жуда кўп миқдорда кириб келиши ҳисобига ёмонлашиб борган бўлиб, мазкур даврда бу оқимни тўхтатиш имконсиз эди. Мазкур болаларни болалар муассасаларига қамраб олиш ихтиёрий мажбурийликни тақозо этган. Чунки мазкур болалар ота-онасиз ёлғиз болалар бўлиб, ёрдам ва қўмакка муҳтож эди ва болалар муассасаларига қамраб олинмаса, улар милиция орқали қўлга олиниб бундай муассасаларга топширилган. Шунга қарамасдан, кўчада қолган болалар турли ижтимоий хавфли фаолият билан шугулланган ва уларнинг сони ошиб борган[6]. Аҳоли ўртасида, айниқса шаҳар жойларда қаровсиз болаларнинг сони кўпайиб кетганлиги сабабли 1922 йил 1 майдан 1922 йил 10 июнгача Маориф ХК қошидаги Инспекция Милиция органлари билан ҳамкорликда уларни қўлга олиш ва реформаториумларга жойлаштириш бўйича тегишли чоралар амалга ошириб, 250 нафар кўчадаги қаровсиз болаларни қўлга олган. Мазкур қўлга олинган болалардан 17 таси ота-оналарига топширилган бўлса, 24 таси қочиб кетишга улгурган ва қолганлари реформаториумга юборилган[7].

Кўчадаги қаровсиз болалар сонининг ошиб бориши жиноятчиликка ҳам ўз таъсирини ўтказган бўлиб, Ички ишлар органлари 1922 йилнинг ўзида 52 та болалар жиноятини аниқлаган ва 47 тасини вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга тақдим этган. Болалар томонидан содир этилган жиноятларнинг аксарият қисми киссавурлик билан боглиқ бўлиб, болалар қаровсизлигини бартараф этиш бўйича ишлар кучайтирилиши билан бозор, вокзал ҳамда бошқа жамоат жойларида киссавурлик ҳолатлари сезиларли даражада камайишига олиб келган ва бошқа жиноятчилик динамикасига деярли таъсир кўрсатмаган. Бу эса ўз навбатида шундан далолат берадики, қаровсиз болалар асосан киссавурлик ва майда жиноятлар билан машғул бўлган.

Жинояти учун қидирувдаги жиноятчи ёшлар таркиби ўрганилганда деярли ҳаммаси реформаториумдан қочганлар ҳиссасига тўғри келган. Мазкур болалар нафақат реформаториум балки ҳар қандай муассасадан қочиш имконини қилишган бўлиб, 1922 йил майдаги маълумотга кўра, қаттиқ назорат остидаги жиноят қидирув бўлими қошидаги камерадан ҳам ер ости йўллари очиб қочиб кетишган ва оқибатда камера яроқсиз ҳолга келиб қолган[8]. Мазкур мисолларнинг ўзиёқ жамият учун кўчадаги қаровсиз болалар қанчалик хавф тугдирганлигини англаш мумкин.

Болалар қаровсизлиги муаммоси яхшиланиш ўрнига ёмонлашиб, XX аср 30-йилларга келиб янада аянчли кўриниш намоён қилди. Тошкент шаҳар мисолида кўрадиган бўлсак, Маориф бошқармаси бошлигининг 1933 йил 28 январ маълумотида кўра Республика ва тегишли органлар ёрдамисиз Тошкент шаҳрида болалар қаровсизлигини бартараф этиш имконсиз бўлиб қолган. Қаровсиз болалар асосан Қозогистон, Сибир, Урал, Украина, Қирғизистон давлатлари ва Ўзбекистоннинг қолган ҳудудларидан келиши ҳисобига кўпайиб борган. Уларнинг муносиб турмуш шароити илинжидаги умидлари пучга айлангач кунлар совиб, оч қолиши ҳамда кўча совуқлиги туфайли ҳар куни 20-40 кишилиқ кўринишда йигилиб, шаҳар Маориф бошқармасига ихтиёрий жой сўраб келиш ҳолатлари кўпайган. Болаларнинг асосан ярим тунда жой сўраб келиши туфайли уларни жойлаштириш ёки амбулаторга юбориш имкони бўлмаган ва 10-20 атрофида болалар Маориф биносида тунаб қолишига тўғри келган. Бу ҳолат милиция бўлимларида ҳам кузатилган бўлиб уларда 15-20 нафар кўринишда 2-3 кунлаб тунаб қолиш ҳолатлари кузатилган. Энг ачинарлиси шундаки, мазкур давр шаҳар Маориф бошқармасига имконсизликдан эҳтиёжманд ота-оналар мактабгача ёшдаги болаларини ташлаб кетиш ҳолатлари ҳам кўпайиб, бу вазиятни янада мураккаблаштирган[9].

Бундай вазиятда Ички ишлар органи масъулиятини янада кучайтириш мақсадида ЎзССР МИҚнинг 09.03.1933 йилдаги қарори асосида милиция бўлимларида қаровсиз болалар қабулхоналари ташкил этилган бўлиб, 13 март санасидан 1-милиция бўлими 30 кишига, 2-милиция бўлими 30 кишига, 6-милиция бўлими 40 кишига, 8-милиция бўлими 40 кишига мўлжаллаб фаолиятини бошлаган. 1933 йил 26 март санасидан бошлаб 3-4-7-милиция бўлимларида ҳам болалар қабулхоналари ўз фаолиятини бошлаган. Болалар

қабулхоналарининг ташкил этилиши Тошкент шаҳрида қаровсиз болалар сонини камайтиришга ўз таъсирини кўрсатган бўлиб, 1933 йил 13-25 март саналарида ташкил этилган кўчадаги қаровсизларни қамраб олиш тадбирининг ўзидаёқ 669 нафар бола кўлга олинган ва қабулхоналарга жойлаштирилган. Кўлга олинган қаровсизларнинг миллати бўйича 203 нафари қозоқ, 123 нафари ўзбек, 111 нафари рус, 12 нафари татар, 8 нафари тожик, 2 нафари немис, 4 нафари еврей ва 206 нафари бошқа миллат вакиллари ҳиссасига тўғри келган[10].

Тошкентда болалар қаровсизлигини бартараф этиш мақсадида болалар қабулхоналари ташкил этилганидан сўнг кўчадаги қаровсизларни кўлга олиш кўлами ошиб, 1932 йил декабрдан 13.03.1933 йилгача 580, 13.03.1933 йилдан 01.07.1933 йилгача 7 696, 01.07.1933 йилдан 01.09.1933 йилгача 1 566, умумий 13.03.1933 йилдан 01.09.1933 йилгача 9 262 нафар қаровсизлар болалар муассасаларига қамраб олинган. Кўлга олинган болаларнинг 34.4 % ёки 3 224 нафари Ўзбекистон, 32.7 % ёки 3 049 нафари Қозоғистон, 32.9 % ёки 2 989 нафари қолган Союз мамлакатлари болалари ҳиссасига тўғри келган[11].

Қаровсиз болалар билан ишлашда ижобий натижага эришишнинг энг бирламчи омили бу шубҳасиз уларни жой билан таъминлашдир. Аммо Совет ҳокимияти мазкур жиҳатга етарлича эътибор қаратиш ўрнига болалар муассасалари сонини қисқартириб боргани мантиқсизлиқнинг ўзгинаси эди. Кўлга олинган болаларни жойлаштириш учун жойларнинг етишмаслиги нафақат Ички ишлар халқ комиссарлиги, балки, барча халқ комиссарликлари учун самарасизликни келтириб чиқарган. 1917 йил РСФСРда меҳрибонлик уйларида сақланаётган болалар умумий сони 29 666 нафар бўлган бўлса, 1921 йил 540 000 нафарни ташкил этган. Шундай ҳолат бўйишига қарамасдан инсон қадр-қимматини камситишга асосланган жамият томонидан болалар муассасалари сони қисқартирилиши бошланган. 1922 йил 6 063 та муассаслар бўлган бўлса, 1923 йил 3 971 та, 1924 йил 3 377 та, 1925 йил эса 2 836 та тарзида қисқартирилган[12]. Бу ўз-ўзидан қаровсиз кўча болалари сони ортишига сабаб бўлган.

XX аср 30-йилларига келиб меҳрибонлик уйлари сони қисқариши сабабли барча милиция бўлимлари қаровсизлар билан тўлиб тошган. Улардаги шарт-шароит эса жуда ачинарли бўлиб, мисол 7-сон милиция қабулхонасига маҳаллий хўжаликдан пул ажратилмасдан бино таъмирланмай қолган ва оқибатда мазкур совуқ бинода болалар полда ётишган. Шунингдек, болалар қабулхоналаридаги болалар орасида турли юқумли касалликка чалинганлари сони кўпчилиқни ташкил этган бўлиб, ЎзССР Соғлиқни сақлаш ХК органлари томонидан касал болаларни қамраб олиш учун тегишли чоралар амалга оширилмаган ва оқибатда болалар ўртасида касалланиш ҳолати кўпайган[13].

XX аср 30 йилларида болалар қабулхоналаридаги сақланаётган мавжуд 581 нафар болалар ёш таркиби бўйича 3-5 ёшлилари 85, 5-8 ёшлилари 111, 8-10 ёшлилари 124, 10-12 ёшлилари 123, 12-14 ёшлилари 137, 14-15 ёшлилар 1 нафарни ташкил этган бўлса, ижтимоий келиб чиқишига кўра хизматкор оила фарзандлари 177, деҳқон оила фарзандлари 286, ишчи оила фарзандлари 26, хунарманд оила фарзандлари 5, бошқа касб эгалари фарзандлари 87 нафарни ташкил этган. Миллати бўйича 187 нафари ўзбек, 199 нафари қозоқ, 146 нафари рус, 49 нафар бошқа миллат вакиллари ташкил этган ва худуди бўйича 6 нафари Ўзбекистон, 214 нафари Қозоғистон, 97 нафари Россия, 26 нафари Сибир, 238 нафари қолган Марказий Осиё шаҳарлари ҳиссасига тўғри келган. Оилавий аҳволи бўйича маълумотларга кўра, 32 нафари ота-онаси бор, 77 нафари фақат отаси бор, 96 нафари фақат онаси бор, 376 нафари ҳеч кими йўқ болаларни ташкил этган[14].

XX аср 30 йиллари ўрталарига келиб милиция қабулхоналарида йиғилган 500 га яқин болаларни жойлаштириш жуда мураккаб муаммо бўлиб қолган эди. Мазкур болаларни тақсимот қилиб жойлаштириш бўйича туман, шаҳарларга юборилган хат, жойлар мавжуд эмаслиги сабаб рад этилган. Бу эса ўз навбатида 3 ёшдан 16 ёшгача болалар, ёшидан ва жинсидан қатъий назар бир жойда қолишига тўғри келган[15]. Болаларнинг бундай ҳолда сақланиши тарбиясига ҳам, ҳаёт тарзига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

XX аср 30-йилларида қаровсиз болалар оқими ҳаддан зиёд кўплиги ва улар билан аниқ мақсадсиз ишланганлиги сабабли Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари гигиеник ҳолати аянчли ҳолга келиб қолган. Бунга кўчадаги қаровсизларни йиғиш ва жойлаштиришда кўчадаги касал болалар ушланганда текширилмасдан соғлом болалар билан сақланиши, касал болалардаги мавжуд юкумли касалликлар соғломларларига юқиши каби омиллар сабаб бўлган. Айниқса милиция бўлимлари кўп ҳолда бундай хатога йўл қўйиб, қаровсизлар билан ишлашда муаммоларга дуч келган[16]. Жумладан, Тошкент шаҳридаги 43 нафар бола сизимига эга 14-сон меҳрибонлик уйида 60 нафар бола мавжуд бўлишига қарамасдан, милиция ходимлари 11 нафар болаларни кўчадан ушлаб қабул қилиши шартлигини билдирганлиги бунинг яққол исботидир. Меҳрибонлик уйида жой етишмаслиги биринчи муаммо бўлса, кўчадан келтирилган мазкур болалар соғлиги бўйича ҳеч қандай маълумот мавжуд эмаслиги иккинчи муаммо эди. 05.12.1932 йил кеч соат 19-00 да 17-сонли меҳрибонлик уйида содир бўлган ҳолат ҳам қаровсизликни камайтириш ўрнига унинг авж олишига замин яратгани шубҳасиз. Шаҳар кенгаши масъул котиби ва Ички ишлар бошқармаси бошлиги томонидан имзоланган хатга мувофиқ бўш жойи йўқ меҳрибонлик уйига юк машинасида 12 нафар бола юборилиб, жойлаштирилиши қатъий талаб қилинган. Меҳрибонлик уйи раҳбарининг жой мавжуд эмаслигини маълум қилинишига қарамасдан, 12 нафар бола ташлаб кетилган ва мажбуран бир хонадаги болалар чиқарилиб, бошқа болалар билан амаллаб яшаб туриши бўйича кўрсатма берилган. Янгилари эса алоҳида бир хонага жойлаштирилган ва 4-5 кун давомида тиббий ўрганишлар ўтказилганда уларнинг 4 нафарида юкумли касаллик мавжуд эканлиги маълум бўлган. Мазкур 4 нафар болалар шифокорлар тавсияси билан Тошкент шаҳар болалар юкумли касалликлар шифохонасига юборилганда уларда ҳам бўш ўринлар йўқлиги сабабли қабул қилинмаган. Охир оқибат мазкур болалар шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси хати орқали жойлаштирилган[17]. Бу каби бюрократик муаммолар мазкур даврда урфга айланган бўлиб, бу каби муаммоларни камайтиришга қаратилган ҳаракатлар тескари таъсир қилиб қаровсизлик янада ошиб боришини таъминлаган.

Милиция бўлимларида ташкил этилган болалар қабулхоналари кўчадаги қаровсиз болаларни йиғиш ва уларни 3 кунлик муддатда тақсимлашга мўлжаллаб ташкил этилган бўлиб, болалар учун умуман жой етишмаслиги сабабли мазкур қабулхоналарда болалар 3 ҳафта ёки оилаб қолиб кетишган. Бу эса ўз навбатида кўплаб муаммоларни келтириб чиқарган. Болалар қабулхоналарида болалар меъёрдан кўп қабул қилиниши ва кўп вақт қолиб кетиши сабаб жой етишмовчилиги кўп кузатилган. Мисол сифатида келтирадиган бўлсак, 8-милиция бўлимида 2 та хона мавжуд бўлиб, болалардан тўлиб тошган. Хона ойналари синган, хона умуман санитария гигиеник жиҳатдан расво ҳолатда бўлиб, болалар ерда совуқ полда ҳатто чойшабсиз ётишга мажбур бўлишган. 4-милиция бўлимида 170 болага 25 сопол коса мавжуд бўлиб, бу ҳолат деярли ҳамма қабулхоналарда кузатилган ва оқибатда болалар навбат кутиб овқатланишган. Болалар соғлиги учун бирламчи зарурат бўлган қайноқ сув ҳам етарли таъминланмаган ва имконсиз болалар ариқдаги гигиеник нотоза, лойқа сувни истеъмол қилишган. Болалар тарбияси ҳам яхшиланиш ўрнига ёмонлашиб борган. Бунга сабаб эса Маориф ХК тизими қабулхонадаги болалар билан умуман шугулланмай, уларнинг кун давомида ҳеч бир машгулот билан шугулланмаслигини эътиборсиз қолдирган. Болалар битбосган ва касалланган ҳолатда ҳаёт кечиришган.

Шундай муаммолар гирдобида болалар ҳаёт кечираётган бир даврда раҳбар ходимлар томонидан ваколатини суистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, мисол учун, 8-милиция бўлими қошидаги болалар қабулхонасининг директори доимий равишда талабдан ортиқ нонни қўшимча тарзда ёздириб олиб, болаларга кам бериб келганлиги Ички ишлар ходимлари томонидан аниқланган. Бу ҳолат бўйича Ички ишлар органлари томонидан мазкур шахсни лавозимидан олиш бўйича бир неча бора Маориф ХК га таклиф билдирилишига қарамасдан мазкур директор ҳимоя қилиниб, ишда қолишига шароит яратиб берилган. Қаровсиз болаларга қарши курашишда деярли фақат милиция ишлаб, кўчадаги қаровсизларни йиғишда шаҳар Маориф бошқармаси ҳатто иштирок ҳам этмаганлиги маълум қилинган[18].

1935 йил ноябрдан Ички Ишлар ХК Маориф ХК тасарруфидаги 11 та меҳрибонлик уйини ўз тасарруфига ўтказиб, кўчадаги қаровсиз болаларни муассасаларга жойлаштириш ишлари билан шуғулланган. Кўчадан йиғилган болаларни жойлаштириш ва сақлаш мақсадида 2 та колония ташкил этилган ҳамда мавжуд 2 500 нафар сиғимга эга колония сиғими кенгайтирилиб, ҳар куни кўчадан ўртача 40 нафар бола қамрови амалга оширилган. Шу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кўчада кўлга олинган болаларнинг 60 % қисми меҳрибонлик уйидан қочган тарбияланувчилар ҳиссасига тўғри келган[19]. Бу рақамларнинг ўзиёқ меҳрибонлик уйлари ахволи қанчалик ёмон эканлигидан далолат беради.

ЎзССР ХКСнинг 1934 йил 25 августдаги Қарорига кўра ЎзССР Маориф ХКнинг милиция бош бошқармаси билан келишувига кўра милиция қарамоғида бўлган ёш ҳуқуқбузарлар колонияси Маориф қарамоғига ўтказилишига розилик берилган ва 1934 йилдан у Тошкент шаҳар Маориф ихтиёрига ўтказилган[20]. Бу эса жинойтчи болалар билан ишлаш тизимининг издан чиқишига олиб келган. Сабаби, жинойтчи болалар оддий болалар билан бирга ҳаёт кечириши ўз навбатида жинойтчилар сонини оширади. 1935 йилга келиб прокуратура ва ички ишлар органларининг масъулиятсизлиги туфайли ўғирлик ҳамда жинойт билан кўлга тушган болалар назорати издан чиқиб, бу каби болалар меҳрибонлик уйларига бориб қолган ва у ерда ўзларининг жинойий фаолиятини янада фаоллаштириб юборган[21]. Бу эса болалар ўртасида жинойтчилик сонининг янада ортиб кетиши ва меҳрибонлик уйларидаги тарбияси яхши бўлган болаларнинг кўчага қочиш ҳолатларини янада кўпайтирган.

Қаровсиз болалар ва жинойтчи болалар ўртасидаги аниқ чегара шакллантирилмай қолиши ва жинойтчи болаларнинг оддий болалар билан тенг қаралиши оқибати катта муаммоларни келтириб чиқаришини яхши англаши лозим бўлган Ички ишлар органи вакиллари ҳам бу масалага эътиборсизлик билан қарашган. 1936 йил Термизга Ички ишлар ХК томонидан 23 та бола юборилган бўлиб, улардан 10 нафари ижтимоий-хавфли, баъзилари 2-3 маротаба ўғирлик, одам ўлдириш каби жинойтлар содир этиб судланган болалар эди. Термиз шаҳрида мазкур болаларни сақлаш имкони мавжуд эмаслиги сабабли Ички Ишлар ХК орқали 1936 йил 15 февралда 10 нафар бола Когондаги махсус колонияга юборилган бўлса, 20 февралда мазкур болалар қабул қилинмай қайтариб юборилган. Бундай ҳолатлар Республика миқёсида кўп такрорланиб турган бўлишига қарамасдан Ички ишлар ХК ҳеч қандай чора қўлламаган[22].

Болалар қаровсизлиги Ўзбекистон ҳудудида жуда кенг тарқалган бўлса, қолган мустамлака мамлакатларини ҳам четлаб ўтмаган. СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 15 августдан 1939 йил январгача бўлган даврида статистик маълумотида кўра 1,5 ёшдан 15 ёшгача бўлган 25 342 нафар бола ички ишлар тизими ташаббуси билан кўлга олинган[23]. Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан шуни англаш мумкинки, СССР да мавжуд қаровсиз болалар сонига Ўзбекистоннинг улуши юқори кўрсаткични ташкил этган.

XX аср 20-30 йилларида аҳоли ўртасида қаровсиз болалар муаммосининг кучайиб кетиши ҳар бир давлат муассасаларига кўплаб муаммолар туғдирган бўлиб, бу муаммони бартараф этиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирларнинг жуда катта қисми ўйланмай қилинган ёки мантиқсизликка асосланган. Сабаби кўчадаги қаровсиз болаларни зўр бериб йиғиш ишлари амалга оширилган бўлсада, аслида уларни жойлаштириш учун ўринлар етарли эмас эди. Бундан ташқари болалар муассасаларида болаларга яхши ҳаёт тақдим этилмаган ва болалар муттасил равишда меҳрибонлик уйларида кўчага қочиб кетишга ўрганиб қолишган. Айниқса Ўзбекистонга қўшни мамлакатлардан яхши ҳаёт истаги билан келиб қолган қаровсизлар меҳрибонлик уйларидаги шароитни кўриб, қочиб кетиш йўлига ўтишган.

Шу ўринда 1917 йилги ўзгаришлар оқибатида ўзбек халқи бошига тушган мусибатлардан бири сифатида болалар қаровсизлигини эътироф этиб, кўчаларда қолган қаровсиз болаларга аслида ўзи ёрдамга муҳтож бўлган ҳолида ғамхўрлик кўрсатиб, ҳеч бир халқ қила олмаган инсонпарварликни намоён қилган бағрикенг халқимиз қадр-қиммати ҳамда улкан инсонпарварлик фазилатини барчамиз теран англаган ҳолда улар қилган ишларга муносиб давомчи бўлишимиз шарт ва зарурдир. Қолаверса, мавжуд маълумотларни илмий таҳлилини кучайтириб, дунё миқёсида ўзбек халқи бажарган бу каби ғамхўрликларини намоён

этиб, улар учун халқимиз ўтмиши нақадар буюк эканлигини илмий асослар билан кўрсатиб, халқимиз тарихига нисбатан мавжуд ҳар қандай гализ фикрларни инкор қилишимиз бугунги кун талабидир.

4. Хулосалар:

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистонда XX аср 20-30 йилларида энг глобал муаммога айланиб улгурган болалар қаровсизлиги келиб чиқиш сабаб ва омиллари чуқур ўрганилган ҳолда, бугунги кун нуқтаи назаридан бундай хатолар такрорланмаслиги учун тегишли чоралар кўриб бориш доимий заруратлигича қолаверади;
- Ички ишлар тизими фаолияти билан болалар қаровсизлиги масаласини ҳал қилишда йўл қўйилган ютуқ ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда хато ҳамда камчиликлардан хулоса чиқариш талаб этилади;
- Совет ҳокимиятининг амалда инсон тақдири айниқса болалар ҳаётига бефарқ, пала-партиш иш кўрганлиги, мазкур давр ўсиб келаётган ёш авлодга дарс бўлиши кераклигини инобатга олган ҳолда, улар ўртасида ишончли маълумотлар кўпайтириб бориш заруратдир;
- Жаҳон ҳамжамиятига кўз-кўз қила оладиган шонли тарихимиз, инсонпарварлик ва болажонлик кўринишларини гурур сифатида қабул қилиб, уни кенг омма ихтиёрига ҳавола қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида илмий жиҳатдан янада чуқур ҳамда кенг ўрганилиши давом эттирилиши, турли хил илмий-амалий анжуманлар тез-тез ўтказилиб турилиши нафақат бугунги, айниқса келгуси авлод учун дастурга айланиб қолиши муҳимдир.

Иктибослар/ Сноски/References:

- [1] Shavkat Mirziyoyev. Ensuring the rule of law and human interests is a guarantee of the development of the country and the well-being of the people. Tashkent: Uzbekistan, 2017. – 5- p.
- [2] A.A.Rasulov. Relations between the peoples of Turkestan and the Volga, the Ural Mountains. - Tashkent, 2005. -monograph.; A.Rasulov. Tolerance of the people of Turkistan. T. “New edition”. 2011.; A.A.Ermetov. Activities of internal affairs authorities of Uzbekistan. -Tashkent, 2018. - monograph; K.Fazilkhodjayev. Uzbekistan hosted the children.- Tashkent, 1991, 56 p., A.Almatinskaya, A.Avdeeva. The light of our eyes. -Tashkent, 1971; M.Sattorova. Problems of juvenile crime.-Tashkent, 2006 Training manual., A.A.Chernishev. Juvenile delinquency and measures to combat it in the USSR.- Tashkent, 1975.; Kh.K.Yuldashev. Management of the process of socio-pedagogical prevention of juvenile delinquency in the public education system. Diss...doc. ped. scien.- Tashkent, 1995.; F.Atabayev. Organizational and pedagogical bases of the work of the receiver distributor for the prevention of offenses among minors. Diss...cand. ped. scien.-Tashkent, 1993.; A.I.Ostrovskiy. Second-yearism as a factor that causes juvenile delinquency and measures to combat it. Diss...cand. ped. scien.-Tashkent, 1973.; A.Khalikov. Responsibility for sexual crimes against minors (according to the legislation of the Uzbek SSR). Diss...cand. leg. scien.-Tashkent, 1975.; A.B.Kulaxmetov. Termination of the criminal case with the transfer of materials to the commission on juvenile affairs. Diss...cand. leg. scien.-Tashkent, 1997.; B.M.Umarov. Social psychological problems of juvenile crime in Uzbekistan. Diss...cand. psych. scien. -Tashkent, 2009.; N.A.Ashurova. Participation of minors in civil-legal relations. Diss...cand. leg. scien.-Tashkent, 2008.; N.T.Ismoilov. Individual prevention problems of juvenile crimes. Diss...cand. leg. scien. - Tashkent, 2006; V.G.Fayzullayeva. The impact of negative changes in the social environment on the criminalization of minors and young people and the prevention of crimes among them. Diss...cand. leg. scien. -Tashkent, 2004; E.G.Kashket. Legal and organizational problems of juvenile proceedings. Diss...cand. leg. scien.- 1992.; O.B.Murodov. Release of minors from educational colonies and their social adaptation. Diss...cand. leg. scien.-Tashkent, 2004.; R.A.Turdiyev. Prevention of repeated offenses of minors by means of administrative and legal influence and social control. Diss...cand. leg. scien.-Tashkent, 2004.
- [3] A.A.Slavko. Child homelessness in Russia in the first decade of Soviet power. Autoabs...cand. hist. scien.- Cheboksari, 2005; O.A.Olicheva. State policy on homelessness and juvenile delinquency.

Autoabs...cand. hist. scien.- Moskow, 2009; L.V.Blonskiy. Child homelessness in the USSR during of the NEP period: the experience of liquidation (based on the materials of the Lower Volga region). Autoabs...cand. hist. scien.- Saratov, 2004; S.A.Samsonova. Policy and social practice of overcoming child homelessness in Stavropol and Terek. Diss. cand. hist. scien.- Stavropol, 2012; Ye.S.Shaxova. Formation and development of the state policy in the field of combating neglect in 1917-1941. (based on the materials of the Kursk Region). Diss...cand. hist. scien.- Kursk, 2008; S.V.Romanovich. Combating child neglect and homelessness in the Southern Urals during the Great Patriotic War (1941-1945). Diss...cand. hist. scien.- Orenburg, 2006; Ye.N.Afanasova. The history of child homelessness in the Irkutsk Region and the Krasnoyarsk Territory in the 1920s and 1930s.. Autoabs...cand. hist. scien.- Irkutsk, 2007.

[4] A.A.Yermetov. Activities of internal affairs authorities of Uzbekistan. -Tashkent, 2018. - monograph; 26-Б.

[5] A.Rasulov. Tolerance of the people of Turkistan. T. "New edition". 2011. – 16-17 pages.

[6] National archives of Uzbekistan 25- foundation, 1- inventory, 682- case, 545- page.

[7] National archives of Uzbekistan 34- foundation, 1- inventory, 923- case, 21- page.

[8] National archives of Uzbekistan 34- foundation, 1- inventory, 923- case, 22- page.

[9] National archives of Uzbekistan 86- foundation, 5-inventory, 963a- case, 21- page.

[10] National archives of Uzbekistan 837- foundation, 11-inventory, 53-case, 52-page.

[11] National archives of Uzbekistan 94-foundation, 5-inventory, 1721-case, 29-page.

[12] S.V.Poznishev. Children's homelessness and measures to combat it. M., "New Moscow". 1926. 108 p.

[13] National archives of Uzbekistan 837- foundation, 11-inventory, 53-case, 53-page.

[14] National archives of Uzbekistan 837- foundation, 11-inventory, 53-case, 57-page.

[15] National archives of Uzbekistan 94- foundation, 5-inventory, 1170-case, 26-page.

[16] National archives of Uzbekistan 94- foundation, 5-inventory, 1170-case, 58-page.

[17] National archives of Uzbekistan 94- foundation, 5-inventory, 1170-case, 59-page.

[18] National archives of Uzbekistan 86-foundation, 10-inventory, 140-case, 51-page.

[19] National archives of Uzbekistan 86- foundation, 10-inventory, 674-case, 8-page.

[20] National archives of Uzbekistan 94- foundation, 5-inventory, 995-case, 68-page.

[21] National archives of Uzbekistan 94- foundation, 5-inventory, 1713-case, 39-page.

[22] National archives of Uzbekistan 94- foundation, 5-inventory, 2110-case, 2-page.

[23] Information of the Samara Scientific Center of the Russian Academy of Sciences, / Dynamics of the number of neglected children in Russia (1920-1940), A.A.Slavko. T. 11, № 6, 2009. – 162 p.